

Қуръони Карим дарслари (47-дарс). Қуръонни жамловчилар



13:55 / 21.08.2019 6286

Улуми **Қуръон** ва унга боғлиқ мавзуларда «Қуръони Каримнинг жамланиши» деганда икки маъно ифода қилинади.

Биринчи маъно - Қуръони Каримнинг ёд олинishi - қалбларда жамланиши.

Шунинг учун ҳам араб тилида Қуръон ҳофизлари - ёдловчилари деган бирикма ўрнига «Жуммаъул-Қуръан» - «Қуръонни жамловчилар» деган бирикма ҳам ишлатилади. Бу маъно баъзи ривоятларда ҳам келган.

مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَلْصِقَهُ لَأَلْؤُوسَ رَانَكَ وَ: شَرَّاحُ لَأَنْبِءِ لَعَلَّ دُبَّعَتْ نَبَّهَ قَرَوِّمُ أَنْع
هَلْ لَعَلَّ يَلْصِقَهُ لَأَلْؤُوسَ رَانَكَ وَ، نَأْرِقُ لَعَمَّجْ دَقُّ تَنَّاكَ وَ، هَدِيَّهٌ شَلَّاهِ مَسِّي وَ أُرُورِي

ضَّرْمٌ أَوْ مُكَاخَرَجٌ وَإِذَا كَعَمَّ جُحُوفٌ يَلُّنَ دُأْتٌ: تَلَّاقَ أَرْذَبَ أَرْغَنِي حَمَلٌ سَوْهِي لَع
«ةَدَاةَشْرَكَ لِدُهُمَ تَلَّاقَتَ هَلَلَانِ» لَاقَ: «ةَدَاةَشْرَكَ يَلُّنَ دُأْتٌ تَلَّاقَتَ هَلَلَانِ لَعَلَّ مُكَاخَرَجٌ
يُقَوِّهَ يَلُّنَ هَاوَرٌ»

Умму Варақа бинт Абдуллоҳ ибн Ҳорисдан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни зиёрат қилар ва «шаҳида» деб атар эдилар. У Қуръонни жамлаган эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бадр ғазотига чиққанларида: «Менга изн берасизми, сиз билан чиқиб, ярадорларингизга қарасам, беморларингизни даволасам, ажаб эмас, Аллоҳ таоло менга шаҳидликни ҳадя қилса», деди. «Албатта, Аллоҳ таоло сенга шаҳидликни ҳадя қилувчидир», дедилар».

Байҳақий ривоят қилган.

Ушбу ривоятдаги «Қуръонни жамлаган эди» деган жумла «Қуръонни тўлиқ ёд олган эди», деганидир.

ةَلَّاقَتَ هَلَلَانِ لَعَلَّ مُكَاخَرَجٌ وَإِذَا كَعَمَّ جُحُوفٌ يَلُّنَ دُأْتٌ: تَلَّاقَ أَرْذَبَ أَرْغَنِي حَمَلٌ سَوْهِي لَع
كَيْ لَعَلَّ لُوطِي نَأَى شَخَّأِي نِي» لَاقَ: «ةَدَاةَشْرَكَ يَلُّنَ دُأْتٌ تَلَّاقَتَ هَلَلَانِ لَعَلَّ مُكَاخَرَجٌ
يُقَوِّهَ يَلُّنَ هَاوَرٌ»

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Қуръонни жамладим ва уни ҳар кеча ўқидим. Бу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етди ва у зот:

«Мен замон чўзилиб, малол олишингдан қўрқаман, уни бир ойда ўқигин», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули! Мени тек қўйинг, қувватим ва ёшлигимдан баҳра олиб қолай», дедим.

«Уни йигирма кунда ўқи», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули! Мени тек қўйинг, қувватим ва ёшлигимдан баҳра олиб қолай», дедим.

«Уни ўн кунда ўқи», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули! Мени тек қўйинг, қувватим ва ёшлигимдан баҳра олиб қолай», дедим.

«Уни етти кунда ўқи», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули! Мени тек қўйинг, қувватим ва ёшлигимдан баҳра олиб қолай», дедим. У зот кўнмадилар».

Аҳмад ривоят қилган.

Бу ривоятда Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳу Қуръони Каримни тўлиқ ёд олганлари ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига етти кундан озда хатм қилишга рухсат бермаганлари ҳақида хабар бермоқдалар.

«Қуръони Каримни жамлаш» деганда ёдлаш маъноси назарда тутилиши Қиёмат сурасининг қуйидаги оятларида ҳам ўз ифодасини топган.

﴿يَوْمَ لَتَعَجَلَ لِسَانَكَ بِوَعْدِ مُحَمَّدٍ لَا

«Шошилиб, у билан тилингни қимирлатма» (16-оят).

Яъни «Биз Қуръонни сенга етказаётганимизда, унутиб қўймайин деб, қўшилиб ўқиб турма».

﴿وَقُرْءَانَهُ جَمَعَهُ عَلَيْنَا إِن

«Албатта, у(Қуръон)ни жамлаш ва ўқиб бериш Бизнинг зиммамизда» (17-оят).

Яъни «Ёдлатиш ва ўқиб бериш».

Иккинчи маъно – Қуръони Каримнинг ёзувда жамланиши.

Қуръони Каримнинг жамланишининг иккинчи маъноси – унинг барча оят ва сураларининг тарқоқ ҳолда ёзилиши, ёки фақат оятларнинг тартибли ҳолда ва ҳар бир суранинг алоҳида саҳифага ёзилиши, ёхуд **оятлар** ва сураларнинг тартибли ҳолда барча сураларни ўз ичига олган саҳифаларга ёзилишидир.

Аввал ҳам «китоб» сўзининг луғатдаги маъноси ҳарфларнинг бир-бирига қўшилиб, жамланишидан олинганини айтиб ўтган эдик. Демак, «китобат», яъни «ёзиш»нинг ўзида жамлаш маъноси бор. Қуръони Каримнинг ёзувини жамлаш эса турли нарсаларга ёзилган оятларни тартибга солиб,

саҳифаларда жамлашни ифода қилади.

Аллоҳ таоло Ўзининг охирги ва мўъжиз, яъни ожиз қолдирувчи Китоби – Қуръони Каримнинг бандалари қалбларида ёддан жам бўлишини ҳам, саҳифаларда жамланишини ҳам ирода қилган ва юзага чиқарган.

Навбатдаги бобда ушбу мавзунини тарихи ва босқичлари билан ўрганиб чиқишга ҳаракат қиламиз.

«Қуръон илмлари» китобидан